



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz

2018 йил 2 октябрь, № 204 (7162)

Сешанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

ЎЗБЕКИСТОН – ҲИНДИСТОН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИ ЯНГИ, ЯНАДА ЮКСАК БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинднинг таклифига биноан 30 сентябрь – 1 октябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.



Ташрифнинг иккинчи куни «Раштрапати Бхаван» саройида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлат маҳиялари анградди. Давлатимиз раҳбари фахрий қоровул сафи олдиқдан ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу ерда мамлакатимиз ва Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари учун қисқача баёнот берди.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон Президенти ва Бош вазирга таклиф учун миннатдорлик билдириб, халқларимизни тарихий ришталар, ўхшаш аъёнлар, маънавий ва маданий яқинлик боғлаб туришини таъкидлади.

Бугунги кунда Ҳиндистон жадал ривожланмоқда, замонавий қиёфа касб этмоқда. Унинг кудратли давлат ва иқтисодиёти ривожланган мамлакат сифатида жаҳондаги ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Ушбу мамлакат, айниқса, юқори технологиялар, инновациялар, саноат,

дасурлаш, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларида илгор ҳисобланади.

Биз олий даражадаги учрашувларимиз натижасида фаоллашиб бораётган Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларининг бугунги суръатини юқори баҳолаймиз. Ишончим комилки, ушбу ташриф ва самарали музокараларимиз мамлакатларимиз стратегик шериклигини янги босқичга олиб чиқиш имконини беради, деди Президентимиз.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Нью-Дехли шаҳридаги «Раж Гхат» ёдгорлигига ташриф буюриб, Ҳинд халқининг миллий қахрамони Махатма Ганди хотирасига ёқилган мангу олов ёнига гулчамбар қўйди.

Моҳандас Карамчанд Ганди Ҳиндистон миллий озодлиқ ҳаракатининг буюк раҳнамоси, «гандичилик» ғоясининг асосчиси. У ўз ватанининг миллий истиқлоли учун курашган ва Ҳиндистонда мустамлакачиликка чек қўйган инсон сифатида қадрланади. Махатма Ганди туғилган кун — 2 октябрь миллий байрам сифатида кенг нишон-

ланади. Мазкур ёдгорлик мажмуаси унинг мамлаката ва халқи олдидаги хизматларига ҳурмат ифодаси сифатида бунёд этилган.

Шавкат Мирзиёев буюк давлат ва сиёсат арбоби хотирасига ҳурмат бажо келтирди, мажмуанинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Ҳайдарабод саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида таъкидланганидек, ўзбек ва Ҳинд халқларининг тарихий ва маданий муштараклик боғлаб туради, стратегик шериклини ривожлантириш ва кўплаб йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мустаҳкам пойдевор мавжуд.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон халқро майдонда, жумладан, БМТ ва ШХТ доирасида бир-бирининг ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Минтақавий ва халқаро долзарб маса-

лалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқин.

Халқро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, наркотикларнинг ноқонуний айланishi, трансмиллий уюшган жиноятчилик, шунингдек, бошқа минтақавий ва глобал таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда икки томонлама ва кўп томонлама тузилмалар доирасида ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, инвестициявий, инновация, транспорт, энергетика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Нарендра Моди мулоқот икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирди.

Ҳиндистон улкан иқтисодий имкониятларга эга, саноати ривожланган мамлакат. Ялпи ички

маҳсулот ҳажми бўйича дунёда олтинчи ўринда туради. Юқори технологиялар, инновациялар, дастурлаш, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожига катта эътибор қаратаётган мамлакатимиз учун Ҳиндистон таърифи ва тибиёт илми соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Бундан ташқари, ҳарбий таълим, ҳуқуқ ва адлия, фармацевтика соҳаларидаги муносабатларни ривожлантиришга доир ўзаро англашув меморандумлари қабул қилинди. Имзоланган ҳужжатлар орасида Ўзбекистон — Ҳиндистон ишбилармонлик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим, шунингдек, Анджион вилояти билан Ҳиндистоннинг Гужарат штати, Самарқанд ва Агра шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик ва шерикликни йўлга қўйиш, Анджион шаҳрида Эркин фармацевтика зонасини ташкил этиш тўғрисидаги англашув меморандумлари алоҳида аҳамиятга эга.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ҳиндистон билан алоқаларга устувор аҳамият қаратиши, амалий рўнда ўтган музокаралар томонларнинг ўзаро ҳамкорликини ривожлантиришдан манфаатдор эканини тасдиқлаганини таъкидлади. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард долларга етказишга келишиб олингани қайд этилди.

Анъанавий дўстлик руҳида ўтган бугунги музокаралар мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида иттилошларни қатъий эканини кўрсатди. Очқиклик, ўзаро англашув ва манфаатларга ҳурмат асосида қарор топган ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бораётганини юксак қадрлаймиз, деди давлатимиз раҳбари.

Биз Ўзбекистон Президенти билан мамлакатларимиз ҳамкорлигини ҳар томонлама муҳокама этиб, унинг истиқболли йўналишларини белгилаб олдиқ. Ўзаро савдода преференциялар қўллаш, ахборот технологиялари, ҳудудлараро ҳамкорлик ва бошқа қатор масалалар бўйича самарали келишувларга эришдик, деди Ҳиндистон Бош вазири.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон Республикаси Президенти ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазирининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод этиш, туризм, қишлоқ ҳўжали-

ги, фан-техника ва инновациялар, коиноти тадқиқ этиш ва ундан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва тибиёт илми соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Бундан ташқари, ҳарбий таълим, ҳуқуқ ва адлия, фармацевтика соҳаларидаги муносабатларни ривожлантиришга доир ўзаро англашув меморандумлари қабул қилинди. Имзоланган ҳужжатлар орасида Ўзбекистон — Ҳиндистон ишбилармонлик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим, шунингдек, Анджион вилояти билан Ҳиндистоннинг Гужарат штати, Самарқанд ва Агра шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик ва шерикликни йўлга қўйиш, Анджион шаҳрида Эркин фармацевтика зонасини ташкил этиш тўғрисидаги англашув меморандумлари алоҳида аҳамиятга эга.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ҳиндистон билан алоқаларга устувор аҳамият қаратиши, амалий рўнда ўтган музокаралар томонларнинг ўзаро ҳамкорликини ривожлантиришдан манфаатдор эканини тасдиқлаганини таъкидлади. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард долларга етказишга келишиб олингани қайд этилди.

Анъанавий дўстлик руҳида ўтган бугунги музокаралар мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида иттилошларни қатъий эканини кўрсатди. Очқиклик, ўзаро англашув ва манфаатларга ҳурмат асосида қарор топган ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бораётганини юксак қадрлаймиз, деди давлатимиз раҳбари.

Биз Ўзбекистон Президенти билан мамлакатларимиз ҳамкорлигини ҳар томонлама муҳокама этиб, унинг истиқболли йўналишларини белгилаб олдиқ. Ўзаро савдода преференциялар қўллаш, ахборот технологиялари, ҳудудлараро ҳамкорлик ва бошқа қатор масалалар бўйича самарали келишувларга эришдик, деди Ҳиндистон Бош вазири.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон Республикаси Президенти ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазирининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод этиш, туризм, қишлоқ ҳўжали-

халқига юксак ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида Нарендра Модиға буюк мутафаккир Робиндранат Тагорнинг ўзбек тилида чоп этилган 8 жилда асарлар тўпламини совға қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Нью-Дехли шаҳрида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сушма Сваражни қабул қилди.

Мулоқотда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари илчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Жорий йилда томонларнинг иттилоши натижасида ўтказилган учрашувлар, қатор делегациялар алмашувлари давлатлараро ҳамкорлики янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани юқори баҳоланди.

Шавкат Мирзиёев мазкур давлат ташрифи тайёргарлик кўришда Свараж хонимнинг хизматлари катта эканини қайд этар экан, олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатларда янги даврни бошлашга, икки томонлама ҳамкорликини янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нью-Дехли шаҳрида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Ҳиндистон Республикаси вице-президенти, сенат раиси Венка Найдун қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз алоқаларини ривожлантиришнинг турли жиҳатлари, ўзаро ҳамкорлиқнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари «Раштрапати Бхаван» саройида Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинд билан учрашди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистон Республикаси давлат ташрифи ниҳоясига етди. Ушбу ташриф, унда эришилган натижалар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида муҳим ўрин эгаллаши ва ўзаро ҳамкорликини янги босқичга кўтариши мўқаррор.

Матназар ЭЛИМУРОВ, ЎЗА махсус муҳбири.

Тошкент — Нью-Дехли — Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АСОСИЙ ТАШАБУСКОРИ — ЎЗБЕКИСТОН»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этиш учун Тожикистонга амалга оширган ташрифи бағишланган мақола ва репортажларда ана шундай фикрлар билдирилмоқда.



«Asia-Plus» газетасида (Тожикистон) «Эмомали Раҳмон Шавкат Мирзиёевни Душанбе халқро аэропортида шахсан кутиб олди» сарлавҳали материал чоп қилинди. Аэропортнинг ўзида давлат раҳбарлари учрашув ўтказиб, имзоланган келишувларнинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёни ва эришилган ютуқларни юқори баҳоладилар, дея хабар берилади нашрада.

«Sputnik-Tadjikistan» янгиликлар агентлиги веб-сайтида «Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари Душанбе шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи очилишида қатнашди. Шунингдек, давлатлар раҳбарлари боғ ҳудудида барпо этилган Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ҳайкаллари пойига гуллар

ДУНЁ НИГОҶИ

кўйди», дейилади. Ўз навбатида, «Авеста» ахборот агентлиги мазкур истироҳат боғи Тожикистон Президентининг 2018 йил 5 мартдаги қарори асосида қурилганини қайд этиб ўтади.

Ҳиндистоннинг «The Times of Central Asia» журналида Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг Турсунзода шаҳридаги «Талко» давлат унитар корхонасига ташрифи ҳақидаги репортаж хавола этилди. Унда

«Тожикистон ва Ўзбекистон бир-бирини қўллаб-қувватламоқда. Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон қарий йигирма йил мубайнада илк бор Тошкентга давлат ташрифини амалга оширди. Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган илк ва дўстона музокаралар қатор ҳужжатлар, шу жумладан, Стратегик шериклик тўғрисидаги ҳамда икки мамлакат давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўйича битимларнинг имзоланиши билан яқунланди».

«Тожикистон ва Ўзбекистон бир-бирини қўллаб-қувватламоқда. Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон қарий йигирма йил мубайнада илк бор Тошкентга давлат ташрифини амалга оширди. Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган илк ва дўстона музокаралар қатор ҳужжатлар, шу жумладан, Стратегик шериклик тўғрисидаги ҳамда икки мамлакат давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўйича битимларнинг имзоланиши билан яқунланди».

«Бир неча йил аввал икки давлат ўртасида бундай юксак даражада ҳамкорлик ўрнатилди, дейишса, ҳеч ким ишонмасди. Шавкат Мирзиёевнинг ҳокимиятга келиши билан расмий Тошкентнинг ташқи сиёсати фаоллик характер касб этгани баробарида, бутун Марказий Осиёдаги сиёсий муҳитнинг ўзгаришига хизмат қилди», деб ёзади Ҳиндистонлик шарҳловчилар.

Ўзбекистон — Тожикистон алоқаларининг замонавий тараққиёти ҳақида сўз юритилган экан, Россиянинг «Независимая газета» нашрида куйидаги фикрлар билдирилди:

«Тожикистон ва Ўзбекистон бир-бирини қўллаб-қувватламоқда. Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон қарий йигирма йил мубайнада илк бор Тошкентга давлат ташрифини амалга оширди. Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган илк ва дўстона музокаралар қатор ҳужжатлар, шу жумладан, Стратегик шериклик тўғрисидаги ҳамда икки мамлакат давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўйича битимларнинг имзоланиши билан яқунланди».

«Тожикистон ва Ўзбекистон бир-бирини қўллаб-қувватламоқда. Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон қарий йигирма йил мубайнада илк бор Тошкентга давлат ташрифини амалга оширди. Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган илк ва дўстона музокаралар қатор ҳужжатлар, шу жумладан, Стратегик шериклик тўғрисидаги ҳамда икки мамлакат давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўйича битимларнинг имзоланиши билан яқунланди».

Дори-дармон етказиб бериш тизими соддалаштирилади

Аҳолининг сифатли дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш соғлиқни сақлаш тизимидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу боис сўнгги йилларда фармацевтика тармогини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, соҳадаги ишларни жадаллаштириш бўйича изчил сайё-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Яқинда Президентимиз томонидан имзоланган «Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва уларнинг айланishiни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ана шу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Зеро, мазкур ҳужжатда дори-дармон таъминоти йўналишига жорий этиладиган янги механизмлар белгилаб берилди.

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимизда табиий ёрдам сифатини ошириш ҳамда аҳолини сифатли дори-дармон ва табиий жиҳозлар билан тизимли равишда таъминлашга тўқсинлик қилаётган муаммолардан бири, бу — фармацевтика маҳсулотларига юқори талаблар қўйилган чет давлатларда ишлаб чиқари-



ладиган дори-дармонларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ҳаддан ташқари мураккаблашиб кетганлигидир. Бу, ўз навбатида, юртимизга таъсир кучи паст бўлиб, сифати ҳаминқадар дори воситаларининг олиб қилинишига сабаб бўлмоқда.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АСОСИЙ ТАШАБУСКОРИ — ЎЗБЕКИСТОН»



АҚШнинг нуфузли «The Jamestown Foundation» таҳлилий маркази яқин кунларда ўзбек ва тожик ҳарбийлари Тожикистоннинг тоғли худудларида ўтказилган аксилтеррор қўшма ўқув-машғулотида қатнашганини алоҳида таъкидлайди. Бу орқали томонлар ўзаро ҳамкорлик сифатида жиҳатидан мулақо янги даражага кўтарилганини яна бир бор намоён этдилар. Энг муҳими, энди Тошкент ва Душанбе ўрта-

сида ўзаро ишонч муҳити ҳукм сурмоқда. АҚШнинг яна бир «ақл маркази» — «Stratfor» сентябрь ойидаги энг муҳим геосиёсий воқеаларга бағишланган «Вазият таҳлили» (Situation Report) таҳлилий маъ-



рузида сўнги вақтларда Марказий Осиё давлатлари терроризм билан кураш бора-

сидаги қўшма саъй-ҳаракатларини салмоқли даражада фаоллаштирилди, дея қайд этилди. Ушбу ижобий жараённинг асосий сабаби ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида марказ «Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қўшни мамлакатлар билан неча йиллар мобайнида яқинлик хос бўлиб келган муносабатларни яқинлаш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ва самарали ташаббуслар»ни кўрсатиб ўтади.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ФРАНЦИЯГА ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Владимир Норов бошчилигидаги делегация жорий йилнинг 26-27 сентябрь кунлари амалий ташриф билан Францияда бўлди. Ташриф давомида Франция парламенти ва Ташқи ишлар вазирлиги, Европа Парламенти вакиллари билан музокаралар ўтказилди.

Европада истиқбол ва ҳавфсизлик институти ҳамда Франция Мазмурийат миллий мактаби билан биргаликда ташкил этилган давра суҳбатида 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик жараёни ҳамда Ўзбекистон — Франция муносабатларини янада мустақамлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Франциялик ҳамкорлар Ўзбекистонда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ривожланиш тенденциялари Парижда катта қизиқиш билан қўлағайлаётганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглиги сақлаш ҳақидаги сиёсати Европа мамлакатлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши қайд этилди.

Учрашувлар доирасида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан иқтисодий ва валюта бозорини либераллаштириш, саноатни модернизация қилиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, суд-ҳуқуқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимларини такомиллаштириш, ҳукумат ва жамият ўртасида очик мулоқотни йўлга қўйиш каби устувор йўналишларда амалга оширилаётган ислоҳотлар юқори баҳоланди.

Франциялик экспертлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ўзгаришларни мамнуунат билан қайд этар экан, Тошкентнинг Марказий Осиёда ишонч, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муҳитини яратиш бўйича саъй-ҳара-

катлари алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлашди. Бой маданият, улкан сиёсий ва иқтисодий салоҳиятга эга Ўзбекистон минтақавий тараққиётнинг етакчи кучига айланишига ишонч билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг вазмин, очик ва конструктив ташқи сиёсати туфайли нафақат мустақиллиги ва суверенитетини мустақамламоқда, балки халқаро имиджини ҳам юксалтирмоқда. Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган, жумладан, Афғонистон муаммосига янгича назар билан қараш имконини берган минтақавий ва халқаро ташаббуслар алоҳида қайд этилди.

Меъзонлар Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги сиёсий мулоқот юксак даражага чиққани ҳамда турли соҳаларда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда юқори суръат қўлағайлаётганини таъкидлади.

Шу муносабат билан Париж Президент Шавкат Мирзиёевнинг бўлажак ташрифи катта умид боғламоқда. Бунда савдо-иқтисодий соҳада аниқ натижаларга эришишга биринчи галдаги вазифа сифатида қаралмоқда. Франциялик экспертлар олий даражадаги музокаралар билан мамлакатларимиз муносабатларида янги саҳифа очилишига ишонч билдиришди.

Давра суҳбати якунида Ўзбекистоннинг етакчи тадқиқот марказлари билан Европада истиқбол ва ҳавфсизлик институти, Франция Мазмурийат миллий мактаби ва «Евроконтинент» таҳлилий маркази ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланди.

Ў.А.

Дори-дармон етказиб бериш тизими соддалаштирилади



Рақамларга мурожаат қиламиз. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 8 минг 666 турдаги дори воситаси рўйхатга олинган бўлиб, шундан 27 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилади, қолгани хориддан келтирилади. Эътибор қилинг, импорт қилинган дори воситаларининг 1 минг 763 турдагиси МДХ мамлакатлари ва 1 минг 592 тури Ҳиндистондан, 299 тури Германия, 48 таси АҚШ ҳамда 6 турдагиси Япония ва бошқа давлатлардан олиб келинади. Яна бир маълумот. Юртимизда рўйхатга олинган дори-дармоннинг 19,4 фоизи, яъни 1 минг 223 турдагиси тартибга солиш бўйича юқори та-

қилинган эди. Мазкур ҳужжатга кўра, тартибга солувчи юқори талаблар қўйилган мамлакатларда ишлаб чиқарилган дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш натижасини тан олиш тартиби белгилаб берилди. Муаммо ҳал бўлибди-ку, дейишга шошилманг. Зеро, аввал қайси давлатларда дори-дармонлар юқори талаб асосида ишлаб чиқарилаётганини аниқлаш керак бўлади. Фармон билан амалиётда тўхтатилаётган ҳамда жорий этилаётган янги талаблар бўйича тегишли вазирлик ҳамда идораларга юклатилган вазифалар қаторида ушбу топширик ҳам бор эди.

2018 йил 1 ноябрдан



ариза берувчининг хоҳишига кўра, Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестридан кўчирма тақдим этиш орқали дори воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги гувоҳномасини бериш тўғрисидаги талаб бекор қилинади.

ни олиб киришда ортқича тартиблардан воз кечилганлиги хусусида тўхталамиз. Жорий йилнинг 1 ноябрдан, ариза берувчининг хоҳишига кўра, Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестридан кўчирма тақдим этиш орқали гувоҳнома бериш талаби бекор қилинмоқда. Бундан буён давлат идоралари дори-дармонларнинг хатловдан ўтказилганлиги ҳақидаги кўчирма-ни Давлат реестридан мустақил равишда электрон шаклда оладилар.

Яна бир янгилик шуки, эндиликда дориҳоналар ва уларнинг филиаллари ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда махсус ускунадан фойдаланган ҳолда, қадоқланган, ўралган ва маркировка қилинган «ангро» маҳсулотини сотиш ҳуқуқига эга бўлади. Жумладан, давлат тиббиёт муассасаларига «ангро» маҳсулотини дори воситаларини сақлаш ҳамда тарқатиш тартибига риоя қилган ҳолда сотиб олишга рўхсат берилмоқда.

Қолаверса, шу йил 1 ноябрга қадар дориҳона шароитида «ангро» маҳсулотини қадоқлаш, ўраш ва маркировка қилиш учун махсус ускуналар мавжудлиги, шунингдек, махсулотни қадоқлаш, ўраш, маркировка қилиш ҳамда сотиш-ни амалга ошираётган шахслар малакасига доир талабларни қамраб олган, дориҳоналар ва уларнинг филиаллари томонидан «ангро» маҳсулотини сотиш тартиби ишлаб чиқилиб, тасдиқланган бўлди. Шунга мос ҳолда «ангро» маҳсулоти — йирик қадоқда ишлаб чиқариладиган ҳамда сотиладиган ва кейинчалик тайёр дори воситаларини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган дори воситаси ҳисобланиши аниқ белгилаб қўйилди.

Қарор билан «Дори-дармон» АК Товарларни (ишлар, хизматларни) харид қилишнинг алоҳида тартиби белгиланди ва стратегия аҳамиятга эга ҳўжалик жамиятлари ҳамда корхоналар рўйхатига киритилди.

Келгуси йилнинг 1 апрелига

қадар Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникага бериш мувофиқлик сертификатини мониторинг қилиш ягона ахборот тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этиладиган бўлди.

Соҳани янада ривожлантиришга қаратилган бундай ёндашувлар боис дори-дармонни етказиб бериш тизими соддалашади, аввало, уларнинг ҳажми ҳамда тури ошади, маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат кучайиб, натижада фармацевтика бозорига сифатли ҳамда ҳавфсиз маҳсулотлар кириб келади. Муомалада дори-дармон айланиши ҳам тезлашади. Булардан кўзланган мақсад битта — аҳолига қўлайлик яратиш, токи улар ўзлари учун зарур бўлган дориини арзон нарҳда ва осонгина топа олсин.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлилий мультимедиа маркази материаллари асосида Зокир ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.

2018 йил 1 август ҳолатига кўра,

8666 турдаги, жумладан,

27% — 2 362 турдаги маҳаллий,

73% — 6 304 турдаги хорижий дори воситалари рўйхатга олинган.

лаблар қўйилган мамлакатлардан импорт қилинаётди.

Жорий йил 20 июнда давлатимиз раҳбарининг «Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш самарадорлигини ошириш ва аҳолини улар билан таъминлашнинг яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон

Қарор билан дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш натижасини асосида мамлакатимизда тан олинмаган 20 та давлат ҳамда битта халқаро ташкилот — Европа дори воситалари агентлигидан иборат рўйхат тасдиқланди.

Энди эса қарор билан дори-дармон ҳамда тиббий жиҳозлар-



Паркент узумчилик мактаби доврўғи янада ошади

Паркент азалдан лаззатли узумлари билан маълум ва машҳур. Бугун уни узумчилик бўйича намунавий туманга айлантириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Гап шундаки, тармоқни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унда маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитлари, ички ҳамда ташқи бозордаги талабни инобатга олиб, узумнинг ҳўраки, кишимш ҳамда саноатбоп навларини оқилона жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Айни пайтда туманда жами 9 минг 320 гектар тоқзор мавжуд бўлиб, уларнинг 8261 минг гектари 1 минг 396 та фермер ҳўжалиги ихтиёрига берилган. Қолгани эса аҳоли ва деҳқон ҳўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Эътиборлиси, жами тоқзорларнинг 4 минг 24 гектари кейинги икки-уч йил ичида ташкил этилган янги боғлардир.

Жорий йил соҳибкорлар 5 минг 296 гектар тоқзорлардан жами 82 минг тонна маҳсулот етиштириб, 205 миллиард сўм даромад олишни режалаштиришган. Бу жуда жўн ва содда ҳисоб. Маҳсулотнинг ҳар бир килограмми 2,5 минг сўмдан баҳоланиб, яқини рақам кўрсатилган. Башарти, жами ҳўсилнинг 33 фоизи қайта ишлашга, 36 фоизи экспортга йўналтирилади.

ётганлиги инобатга олинса, натижанинг анча юқори бўлишини илгаш қўйин эмас.

«Заркент-Жаҳонгир-Рўзимат» фермер ҳўжалиги даласидаги 4,05 гектар майдонда ғарқ пишиб етилган узумнинг «Кишимш», «Хасайни», «Ризамат ота» каби навлари махсус совиткичли автомашиналарда Россияга жўнатилмоқда. Бир неча кун аввал эса маҳсулот қозғистонлик буюртмачиларга ҳам юборилган эди.

Ҳўсилдорлик гектар ҳисобида 10 тоннадан кам эмас. «Кишимш»нинг нархи 4 минг, «Хасайни»нинг нархи 5 минг, «Ризамат ота»ники эса 7,5 минг сўм. Демак, соҳибкорларнинг ошиги олчи. Улар яратиб берилган имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ҳўсилнинг асосий қисмини экспортга йўналтирмоқда. Паркент узумининг харидорлари нафақат Қозғистон, Россия давлатларида, балки Марказий Европада ҳам кўпайиб борапти. Шу кунларда тоқзорлардан маҳсулот олиб чиқаётган махсус автомашиналарнинг кети узилмайди.

Пойтахт вилояти бўйича экспорт қилинаётган узумнинг 90 фоизи паркентлик соҳибкорлар улушига тўғри келади.

«Хўсайни», «Хасайни», «Ризамат ота» каби навлар ҳўсилини сотиб олишга келгуси йил учун ҳўзирдан шартнома тузамиз, деган тадбиркорлар кўпайиб кетди.

— Келажакни кўзлаб иш тутушни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, — дейди фермер Рўзимат Тожибоев. — Энди совиткичли автомашина сотиб олиб, экспортни ўзимиз амалга оширамиз.

Кўшни фермер Баҳодир Эргашев ҳам шу ниётда. У уч йил аввал 6,7 гектар лалмикор майдонда янги тоқзор ташкил этган эди. Бу йил нҳолларнинг айримлари нишонга ҳўсил кўрсатди. «Ризамат ота»нинг шираси тилни ёради, «Тойфи»нинг бир боши баркашга базур жойлашади.

Ота-боболари табиий шароитда майиз тайёрлаш билан машҳур бўлган фермер Равшан Ҳайитматов бу йилги даромаддан узумни куридадиган агрегат сотиб олиш учун буюртма бериб қўйди. Тўғри-да, 25 — 30 тонна ҳўсилнинг ҳар бошини пештоққа



илиб, об-ҳавонинг авзойига қараб ўтиришнинг ўзи бўлмайди. Дарвоқе, «Қора кишимш»нинг майизига ҳам харидор кўп. Даромади эса анча юқори.

Паркентлик яна бир неча фермерлар музлаткичи омборхона қуришни режалаштирган. Йил давомида узум сотишнинг ҳам ўзгача гашти борлигини,

даромади мўмайлигини улар яхши билишади. Ғарчи туманда кейинги бир йил ичида умумий сифими 13 минг 450 тонна бўлган 28 та музлаткичи камера фойдаланишга топширилган бўлса-да, уларнинг ҳажми соҳибкорларга камдек туйилмоқда.

Туманда етиштирилган 26 минг 500 тонна саноатбоп узум маҳсулоти қайта ишланади. Шу мақсадда 11 қайта ишлаш корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти кейинги икки йил ичида фаолият бошлаган.

Паркентнинг лалмикор ва тоғолди худудларида тоқзорлар барпо этиш ишлари жадал суръ-

лион тупдан ортиқ нҳоллар етказиб беришмоқда. Бошқача айтганда, туманда ҳар йили минг гектардан ошқ янги тоқзорлар ташкил этиш имконияти тугилди. Туманни узумчиликка ихтисослаштирилаётганлигини эса ҳар бир маҳалла мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Маҳалламизда ток парвартишланмайдиган хонадоннинг ўзи йўқ, — дейди «Чашма» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сабриддин Тошев. — Ҳозир мавжуд 432 та хонадон томорқасида узум ғарқ пишган. Натижалар чакки эмас. Мисол учун, Арчазор кўчасида яшовчи Тожиддин Эшоннинг 0,15 гектарлик томорқасидаги узумнинг аксариятини «Ризамат ота» нави ташкил этади. Ҳўсил чўғи ҳар йилгидан баланд: 3 тоннадан ошади. Бу ҳар бир хонадон томорқадан 15 — 20 миллион сўм микдорда қўшимча даромад олаётганини аналгатади.

Паркент узумларининг ўзига хос хусусиятлари, яъни бозорбоплиги ҳамда узоқ сақланишининг сирини нимада? Гап шундаки, маҳсулотнинг асосий қисми лалмикор ерларда етиштирилади. Қолаверса, қўш нурининг бу худудга кўпроқ ва кучлироқ таъсир қилишини олимлар аллақандак исботлаб берилган. Бу табиий омиллар. Лекин энг асосийси, соҳибкорларнинг фидокорона меҳнати, узумчилик илмини пухта эгаллаганлигидир. Иқлим ва тупроқ шароитига қараб нав танлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳам бунда муҳим аҳамият касб этади.

Бу сифатларни ички бозорларимиз пештахталарида, савдо шохобчаларида Паркент узумининг таърифини келтириб сотаётганлар тилидан ҳам эшитса бўлади.

Шу кунларда туманда бўлиб ўтаётган узум сайига келганлар бунга яна бир қарра гувоҳ бўлишмоқда.

Ш. РАҲМАТИЛЛАЕВ.

Қор осмонда қишламайди

Кўкда пайдо бўлаётган оқлар булутлар кузнинг қуёшли кунлари ганимат эканлигини эсга солаётгандек. Зеро, бу она табиатнинг остонада қаҳратон пайт пойлаб турганига бир ишорасидир. Кексалар таъбири билан айтганда, энди совий-совий қиш келади. Доно халқимиз бежиз "Сунбуладан кейин сув совук, мезондан кейин кун совук", демаган.

Хисобдонларнинг кузатишича, бу йил саратоннинг тафти баланд бўлди. Демак, қаҳратоннинг ҳам қаҳри қаттиқлашиши эҳтимоли йўқ эмас. Шунинг учун синов мавсуми — қишга пухта ҳозирлик кўриш, айна кунларнинг ҳар дамидан оқиллона фойдаланиш зарур.

Одатда, халқимиз қиш гамини ёзда кўради. Ахир мавсумнинг беталафот, кўнгилдагидек ўтиши бугунги савъ-ҳаракатларга боғлиқ-да. Шу боис Президентимизнинг жорий йил 12 июлдаги "Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бу гал ҳам барча жабҳада таралдув тадбирларига барвақт киришилди.

Ҳўш, белгиланган вазифалар ижроси, бажарилган ишлар сифати қандай?

Долзарб мавзу

Мавсумга тайёргарлик: ҳаммасини вақт кўрсатади



Коммунал соҳанинг наинки аҳоли турмуш даражаси, балки жамиятдаги ижтимоий муҳитга ҳам таъсири юз-да катта. Шу боис мазкур тармоқнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, бундай хизматлар кўрсатиш бўйича замонавий бозор механизми шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ишловлар амалга оширилмоқда. Натижада мамлакатимизда уй-жай фондлари бошқариш ва ундан фойдаланишнинг мураккаб янги тизими шаклланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2017 йилда Уй-жай коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилгани бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Мазкур вазирлик маълумотларига кўра, бугунги кунда юртимизда 4 мингдан зиёд хусусий уй-жай мулкдорлари ширкатлари фаолият юритаётган бўлиб, улар томонидан 32,4 мингдан ортиқ кўп хонадонли уйларга хизмат кўрсатилмоқда. Ширкатлар ишига куз-қиш мавсумига кўрилган тайёргарлик, умумий фойдаланиш майдонларининг ободлигига қараб ҳаққоний баҳо бериш мумкин.

Яширининг ҳолати йўқ, шу пайтгача коммунал хизмат соҳасидаги муаммолар аҳоли, айниқса, кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётгани. Айниқса, қиш фаслида охириги қаватдаги хонадонлар эгаси томдан чакка ўтишидан азият чекаса, пастки қаватдагилар зах ва ертўладан анқийдиган бадбўй ҳиддан нолишарди. Бундан ташқари, иссиқ ва совуқ сув тармоқларидаги носозликлар, иситиш тизимидаги камчиликлар оддий ҳолга айланиб қолган эди.

Бу йил-чи? Егин-сочинли кунлар бошланиши билан яна эски манзаралар қайта жонланадими? Мавсумнинг кўнгилдагидек ўтиши учун қандай чора-тадбирлар кўриляпти? Жалб этилаётган хорижий инвестициялар, тижорат банклари тақдим қилаётган кредитлар эвазига сув ва иссиқлик таъминоти, каналлизация тизимларини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш юзасидан амалий ишлардан кўнгил тўладими?

Саволларга жавоб олиш учун "Уй-жайкомхизмат" вазирлиги мутасаддиларига мурожаат қилдик.

— Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, бугун барча ишлар шу асосда олиб борилляпти, — дейди уй-жай коммунал хизмат кўрсатиш вазири ўринбосари Назиржон Назиров. — Бу жараёнда, аввало, ўтган мавсумда йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинди. Энг асосийси, аҳолидан тушган мурожаатларга биноан, республикада мавжуд 33 мингга яқин уй-жай фондлари ҳолати тўлиқ ўрганилди. Унинг натижаларига кўра, далолатномалар, чора-тадбирлар, манзилли дастурлар ҳамда тармоқ жадваллари тузилди. Бундан кўзланган мақсад кўп қаватли уй-жай фондларини мавсумга барқарор тайёрлаш, таъмирлаш ишларини сифатли бажариш, ширкатлар фаолиятини жонлантиришдир.

Таъкидлаш керакки, шу йилнинг 22 сентябрида Уй-жай коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига Республика штаби ташкил этилди. Таркибда мутасадди вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари масъул ходимларини жамлаган мазкур штаб куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишларини барча йўналиш бўйича белгиланган муддатда сифатли бажарилиши устидан доимий назорат қилиб боради.

Кўп хонадонли уй-жайларни куз-қиш мавсумига барқарор тайёрлашга доир дастурга мувофиқ, ўтган даврда 7 минг 657 та тураржойнинг 5 минг 600 дан ортиги жорий ва мукамал таъмирланган бўлса, қолганига бу борадаги юмушлар иччил давом эттирилмоқда.

Бошқача айтганда, мамлакатимизда жорий йилнинг 24 сентябрь ҳолатига кўра, кўп қаватли уй-жайларнинг 3 миллион квадрат метрдан ортиқ том қисми мукамал ва жорий, шунингдек, 4038 та кўп қаватли уй-жайнинг ички муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, 3455 та кўп қаватли уй-жайнинг фасад қисми, 393 та лифт таъмирланди. Бундан ташқари, кўп хонадонли уйларга туташ худудларда 758 та болалар майдончаси барпо этилди. Яна 1,2 мингта шундай майдонча таъмирланиб, 85 минг погон метр ирригация тизими соз ҳолатга келтирилди, 453 минг квадрат метр йўлақлар (тротуар) бетон қоршамаси билан қопланди, кўп қаватли уйларнинг 387 та ташқи ёритиш ускуналари таъмирланди. Бу каби юмушларнинг ўз вақтида адо этилишида тижорат банклари томонидан хусусий уй-жай мулкдорлари ширкатларига 418,4 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилгани айтиш мумкин бўлмоқда.

Мавсумга тайёргарлик асосида республика бўйича ўрганилган 10 мингдан ортиқ кўп қаватли уй-жайларда аниқланган 9 минг 563 та ноқоний барпо этилган объект секторлар кўмагида бузилляпти. Шу пайтга қадар худуд кўйфасига салбий таъсир кўрсатаётган, хавфсизлик талабларига мутолақ мос келмайдиган қурилмаларнинг 88 фоизи уй ташилган бўлса, қолган қисмини мажбурий тартибда буздиршига оид давво аризалари судларга тақдим этилган.

— Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш доирасида кўлами жиҳатидан ниҳоятда катта бўлган ишлар бажарилмоқда, — дейди Н. Назиров. — Лекин уларнинг самараси, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиши кўп жиҳатдан хусусий уй-жай мулкдорлари ширкатларининг реал аҳоли, моддий-техника базасининг мустақамлигига ҳам боғлиқ. Шу боис вазирлигимиз томонидан тижорат банклари иштирокида ширкатлар иш фаолиятини яхшилашга жиҳдий аҳамият қаратилмоқда. Масалан, Тошкент шаҳрида 2243 та хусусий уй-жай мулкдорлари ширкати ўрганилганда, улар орасидан 28 тасининг фаолияти қолақ эканлиги маълум бўлди. Биринчи навбатда, мазкур ширкатларнинг

вазирлиги мутасаддиларининг айтишича, бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга жиҳдий киришилди. Яъни иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа муассасаларидаги мавжуд қозонхона ҳўжалиги техник талабларга мослиги тўлиқ ўрганиб чиқилди. Пировардида 7 та марказий, 3 та локал қозонхона ҳамда 32 та қозонда мукамал, шунингдек, 70 та марказий, 40 та локал қозонхона ва 831 қозонда жорий таъмирлаш ишлари режалаштириб олинди. Бу юмушлар қозонларда қолиб кетмаслиги учун кунлик мониторинг қилинаётгани диққатга сазовордир.

Самараси қандай дейсизми? 2018 йил 24 сентябрь ҳолатига кўра, 45,6 километр иссиқлик тармоқлари мукамал таъмирланган бўлса, 45 та марказий қозонхона, 36 та локал қозонхона, 825 та қозон капитал ва жорий таъмирланди. Бундан ташқари, 799 километрлик иссиқлик тармоқлари жорий таъмирланди, 81,9 километрлик иссиқлик тармоқлари изоляция қилинди. Тижорат банкларининг 10,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлари ҳисобига кўп қаватли уйлардаги 7261 хонадонга ички иситиш қозонлари ўрнатилди.

Чиндан ҳам, бу йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари жадал тус олган. Уларнинг қанчалик сифатли, пишиқ-пухта бажарилганлигини эса вақт кўрсатади.

Газ босими меъёрда бўлгани яхши

Қиш мавсумида аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган яна бир масала, газ босими бўлгани.



бу — табиий газ босимининг пасайиб кетиши. Негаки, кунлар совиши билан "зангори олов"нинг алангаси сусайиб қолади-да. Бу эса шошиб турган пайтда вақтингизни ўғирлаши, асабингизни эгловлаши турган гап. Энг ажабланарлиси, ўчоғингизда газ милтиллаб турган чоғда, қўшни кўчадаги уйлар охиносини "зангори олов" ловиллаб ёнса...

"Ўзтрансгаз" акциядорлик жамиятидан маълум қилинишича, тизимга инновацион технологиялар, ноу-хауларни татбиқ этиш, модернизациялаш

— Газ тақсимоти тизимидаги жараёнлар назорати автоматлаштирилганлиги туфайли ана шундай натижага эришидик, — дейди "Кибрайтумангаз" корхонаси муҳандиси Азиз Абдузимов. — Газ тармоқларини инновацион лойиҳалар асосида модернизация ва реконструкция қилиш яхши самара бермоқда. Мисол учун, Усмон Юсупов номидаги маҳаллада истеъмолчиларни табиий газ билан таъминловчи ўрта босими олтинга газ тақсимлаш пункти олиб ташланиб, фақат юқори босими газ тақсимлаш пункти қолдирилди. Унга эса автоматлаштирилган диспетчерлик назорат тизими ўрнатилди. Бу маҳаллага киратган табиий газ босими ва ҳажми тўғрисида онлайн режимида маълумот олиш имконини беради.

Дарҳақиқат, янги лойиҳанинг афзалликлари жуда кўп. Жумладан, газ тақсимлаш пункти фаолиятга ташқи арашув бўлганида диспетчерлик хизматига автоматик равишда хабар келади. Тақсимлаш пунктларига замонавий электрон саноят газ ҳисоблагичлари ўрнатилгани ҳам яхши самара бермоқда. Маҳаллага кириб келаётган табиий газнинг ҳажми ҳақида эса диспетчерлик хизмати онлайн режимида маълумот олмақда.

Маҳалладаги 200 та хонадонга замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилди. Ҳар бир хонадондаги маиший газ созулаш регуляторлари эса газ босими бўйича муаммоларни тўлиқ бартараф этади. Айна вақтда газ ҳисоблагичлар истеъмол қилинаётган газ ҳажми бўйича "Биллингга" дастурига маълумотлар киритиб боради. Ҳисоблагичларга махсус клапанлар ўрнатилган бўлиб, улар қарздорлиги мавжуд хонадонларни масофадан туриб газ таъминотидан узиб қўйиш имконига эга. Эътиборли томони шундаки, қарздорлиги бор хонадонлар тўловини тўлиқ амалга оширгач, улар автоматик равишда тармоққа қайта уланади.

Маҳалла газ таъминотидаги барча ишларни реал вақт режимида назорат қилиш учун диспетчерлик хизматига махсус монитор ўрнатилди. Унда барча жараён ҳақидаги маълумотлар жамланади. "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти мутахассисларининг айтишича, бугунги кунда мамлакатимизнинг бир қатор худудларида, жумладан, Юқори Чирчиқ туманидаги Шижоат, Самарқанд шаҳридаги Аҳиллик, Жиззах шаҳрининг Равалиқ ва Учариқ маҳаллаларида

ўлчаш ҳисоблагичлари ўрнатилиб, диспетчерлик бошқарув тизимига уланган. Маълумотлар реал вақт режимида диспетчерлик хизматига келиб тушади. Яна бир муҳим жиҳати, йирик саноят корхоналари, шунингдек, хонадонларга ўрнатилган ҳисоблагичларнинг ягона "Биллинг" тизимига уланганидир. Натижада ишлаб чиқаришда инсон омили иштироки кескин камаймоқда.

Газ транспорти тизими ишончлигини ошириш мақсадида замонавий инновацион диагностика қурилмага эга бўлган учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар ёрдамида магистраль газ тармоқларини техник талаблар асосида ўз вақтида сифатли кўридан ўтказиш, нуқсонли ҳолатларни белгилаш, ҳимоя зоналаридаги ноқоний қурилмаларни аниқлаш имконияти вужудга келди.

Суюлтирилган газ таъминотида янги инновацион тўлов тартибини жорий этиш билан боғлиқ яна бир лойиҳа кўпчилик оғирини енгил қилиши билан аҳамиятлидир. Гап шундаки, ҳозирги пайтда республикада жами 3,1 миллион аҳолига суюлтирилган газ етказиб берилмоқда. Мазкур жараёндаги узилишларнинг олдини олиш, ҳақли равишда аҳоли эътирозига сабаб бўлаётган бошқа муаммоларни бартараф этиш мақсадида автоматлаштирилган тизим жорий этилмоқда. Бунда ҳар бир истеъмолчи ҳисоб-китоб учун индивидуал электр карталар билан таъминланади. У эса махсус дастурга уланади. Бу билан истеъмолчига етказиб берилган суюлтирилган газ ҳажми, муддати ва ҳисобини масофадан туриб кўриш ва назорат қилиш имконига эга бўлинади. Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида тажриба тариқсида жорий йил якунигача амалга ошириш белгиланган ушбу лойиҳа натижаларига кўра, унинг яқин келажақда мамлакат бўйлаб жорий этиш назарда тутилмоқда.

Танқисликка йўл қўйилмайди



Шамсий йил тақвимида кўра, ҳозир — айна мезон. Кўп йиллик кузатишларга қараганда, ушбу ой баъзи йилларда иссиқ келса, баъзида ёмғирли

деган ибротамуз ўғитни ёдга олишадди. Сабаби бу ой деҳқончилик, богдорчилик, қорвачилик учун сарҳисоб даври бўлиб, мева-чева, полиз-сабзавот маҳсулотлари мезон шамоли эсгандан кейин йиғиштирилади-да, қиш учун ғамлаб қўйилади. Шундай экан, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узулуксиз таъминлаш, нарх-наво кескин ошиб кетишининг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

"Ўзбекизоқовқатзахира" уюшмасидан олинган маълумотларга қараганда, бу йилги мавсумда муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигига, улар нарҳининг асоссиз ошиб кетишига йўл қўймайлик мақсадида пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Хусусан, 2018 — 2019 йил қиш-баҳор мавсумида юртимиз аҳолисини муҳим истеъмол товарлари билан кафолатли таъминлаш учун 140 минг тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти, шу жумладан, 50 миң тонна картошка, 20 миң тонна пивёз, 40 миң тонна сабзи ва 30 миң тонна гуруч захирасини яратиш белгиланган.

Бунинг учун уюшма тизимидаги корхоналарнинг сигими 99 миң 800 тонналик қуруқ, 63,5 миң тонналик совиткичи омборлари хатловдан ўтказилди. Ўтган қисқа даврда ушбу объектларнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, таъмирлаш ишлари бажарилиб, маҳсулот сақлаш учун тайёр ҳолга келтирилди. Шу билан бирга, жорий йилда тизимдаги 16 та корхона томонидан қиймати 18,5 миллиард сўмлик 10,5 миң тонналик совиткичи сизимлар фойдаланишга топирилиши режалаштирилган. Бошқача айтганда, 8,3 миң тонналик янги омборлар қурилиб, 2,2 миң тонналик мавжуд омборларнинг модернизация қилиниши эвазига инфратузилма объектлари янада тақомиллаштирилмоқда. Бу эса деҳқон ҳўжалигининг машаққатли меҳнати эвазига етиштирилган мева-сабзавотларни то баҳоргача сифатли сақлаб, халқимиз тарихини қорқитиш ташкил қилиш имконини беради.

Мутахассисларнинг айтишича, ўтган йилги тажрибадан келиб чиқиб, маҳсулот етиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Яъни қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш, муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш мақсадида деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётди. Масалан, картошка етиштириш ҳажмининг ошириши, аҳолининг "иккинчи нон"га бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар доирасида тизим корхоналари томонидан хориждан қарийб 3 миң тонна уруғлик картошка олиб келинди. Бундан ташқари, тақрорий экинлардан етиштириладиган 277,9 миң тонна маҳсулотларни сотиб олиш бўйича шартномалар тузилиб, бўнак маблағлари баҳор-ёз ойларида фермер ва деҳқон ҳўжаликларининг ҳисоб рақамларига ўтказиб берилди. Натижада айна кунларда пишиқ этилган маҳсулотлар пешма-пеш йиғиб олиниб, ғамланмоқда.

Ўтган йили қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини бевоқифа етиштирувчилардан харид қилиб, йил давомида уларнинг мақбул нарҳларда савдосини йўлга қўйишга қаратилган "Хизмат — беминнат" чакана савдо павильонлари ташкил этилган эди. Айна пайтда енгил конструкциялардан фойдаланган ҳолда, бунёд этилган 73 та шундай павильон республикаимиздаги деҳқон бозорлари ҳамда аҳоли гажум жойларда фаолият юритилмоқда. Шахсий томорқа ер эгалари, деҳқон ва фермер ҳўжаликларидан маҳсулотларни тўғридан-тўғри қабул қилиш учун эса республикаимиз бўйича 100 та махсус пункт ташкил этилгани диққатга сазовор.

Бу каби савъ-ҳаракатлар халқимиз дастурхонининг сархил мевалар, сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўкин бўлиши, қиш-баҳор мавсумининг кўнгилдагидек ўтишига хизмат қилади, албатта.

Халқимиз таъбири билан айтганда, қор осмонда қишламайди. Остонада табиатнинг инжиқ мавсуми эшиқ қоқиб турибди. Унинг ҳар бир кунини — синов. Қиш фаслини беталафот ўтказиш эса унинг "имтиҳон"ларига қанчалик пухта ҳозирлик кўрилганига боғлиқ. Буни нафақат мутасадди идоралар масъуллари, балки ҳар биримиз бир зум бўлса-да, ёддан кўтармаслигимиз, тадорикни пухта қилишимиз керак. Ана шунда қиш ўчоғи тор бўлиб қолмайди.

Саид РАҲМАТОВ, Раҳматилла ШЕРМОЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбирлари.

Юртимизда 2018 йил 24 сентябрь ҳолатига кўра:



4038 та кўп қаватли уй-жайнинг ички муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, **3 миллион** квадрат метрдан ортиқ том қисми мукамал ва жорий таъмирланди.

45,6 километр иссиқлик тармоқлари мукамал,



393 та лифт таъмирланди. Жумладан, Тошкент шаҳридаги **36 та** лифт алмаштирилди.

аҳолини ўнглаш мақсадида алоҳида молиявий ва иқтисодий соғломлаштириш дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилиняпти. Бунинг натижалари жорий мавсумда, албатта, кўзга ташланади.

Табиий-иклим шароитимизга кўра, мамлакатимизда қиш у қадар қаттиқ келмайди. Совуқ кунлар ҳам узок давом этмайди. Шундай бўлса-да, ҳар мавсумда аҳолининг катта қисми иситиш тизими кўнгилдагидек ишламаслигидан арз-хол қилади. Бу иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари учун ҳам бегона эмас. Уй-жай коммунал хизмат кўрсатиш

эвазига бу каби муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Ҳақиқатан ҳам шундайми? Мана бир неча ойдирки, Кибрай туманидаги Усмон Юсупов номли маҳаллада табиий газ таъминоти билан боғлиқ барча муаммо узил-кесил бартараф этилди. У ерда яшовчи Комилжон Махмуджонов, унинг қўшинлари билан сўхбатлашар эканмиз, улар газ таъминоти ходимлари хизматидан мамнулигини яширишмади. "Зангори олов"нинг назорати ва ҳисоб-китобидан хурсанд бўлишмоқда. Бунга қандай қилиб эришилди?

ана шундай янги тизимдан самарали фойдаланилмоқда. Ҳадемай бу ишлар бошқа жойларда ҳам жорий қилинади.

Тизимда куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш, табиий газ тақсимоти яхшилашга қаратилган энг самарали ва истиқболли 7 та инновацион лойиҳа амалга оширилмоқда. Табиий газнинг ишлаб чиқариш корхоналаридан то истеъмолчига етказиб берилгунча бўлган ҳисоб-китоб ва назоратни автоматлаштириш тизими ширкидир.

Ушбу тизим барча худудда самарали ишламоқда. Унда ишлаб чиқарувчи корхоналар ва магистраль газ қувурлари бошқармаларининг бўлиниш чегараларига замонавий электрон газ

кунлар бошланиб кетади. Шу боис уни "Ёз ва қиш ўртасидаги аросат" ҳам дейишади.

Нуронийлар бу ой бошланиши билан "Мезон кирди, ҳисобингни топ"

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР,
ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР
ТОМОНИДАН КАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-
ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ
РЎЙХАТИДАН ҲАҚИҚАТ ХОЛАТИ ТЎҒРИСИДА
2018 ЙИЛ 14 ИЮЛДАН 20 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2018 йил 28 июлдаги 254/9-сон "Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомага қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори.
2018 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-5. (2018 йил 16 июлдан қучга кирди).
2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмлаштириш ва рақобатини ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 21 июлдаги 01/19-10/27, 21-сон "Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадлари легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори.
2018 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-3. (2018 йил 17 июлдан қучга кирди).
3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмлаштириш ва рақобатини ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 21 июлдаги 01/19-10/28, 22-сон "Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадлари легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори.
2018 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-2. (2018 йил 17 июлдан қучга кирди).
4. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 10 июлдаги 8-сон "Электр энергетикасидаги электр тармоқлари бўйлаб узатиш ва тақсимлашда технологик йўқотишларнинг нормативларини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномадан 17-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги буйруғи.
2018 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2871-1. (2018 йил 16 июлдан қучга кирди).
5. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2018 йил 28 июлдаги 254/10-сон "Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори.
2018 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2893-2. (2018 йил 17 июлдан қучга кирди).
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 30 июлдаги 22/6-сон "Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қарори.
2018 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-4. (2018 йил 17 июлдан қучга кирди).
8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Халқ таълими вазириликнинг 2018 йил 9 июлдаги 12-2018, 7-м-сон "Академик лицензиялашда саралаш имтиҳонларини ўтказиш, расмийлаштириш ва натижаларини эълон қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.
2018 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3040. (2018 йил 18 июлдан қучга кирди).
9. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазириликнинг 2018 йил 6 июлдаги 48-сон "Ўзагрорсервис" акциядорлик жамияти корхоналари томонидан кўрсатилган механизация хизматлари ҳақидаги тўлаш тўғрисидаги қарори (рўйхат рақами 2480-1, 2014 йил 19 май), (рўйхат рақами 2480-2, 2016 йил 3 февраль).
АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ 2018 ЙИЛ 17 ИЮЛДАГИ 378-МХ-СОН БУЙРУГИГА АСОСАН ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ.
1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазириликнинг "Ўзагрорсервис" акциядорлик жамияти корхоналари томонидан кўрсатилган механизация хизматлари ҳақидаги тўлаш тўғрисидаги қарори (рўйхат рақами 2480, 2013 йил 19 июль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2480-1, 2014 йил 19 май), (рўйхат рақами 2480-2, 2016 йил 3 февраль).
АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ 2018 ЙИЛ 17 ИЮЛДАГИ 378-МХ-СОН БУЙРУГИГА АСОСАН ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ.
3. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг "Электр энергетикадаги фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун тармоқдан узилган истеъмолчиларнинг электр қурilmаларини электр тармоқларига қайтадан улаш учун тўловни ундириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори (рўйхат рақами 2255, 2011 йил 16 август).
АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ 2018 ЙИЛ 19 ИЮЛДАГИ 380-МХ-СОН БУЙРУГИГА АСОСАН ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ.
Мазкур хужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва ёки янги норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЮНЕСКО сертификати олган хунармандлар



Шодмон Саидмуродов — бухоролик ёш хунармандлардан бири. Заргарлик билан шуғулланади. Яқинда бу йигитнинг ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди. Унга ЮНЕСКОнинг "Сифат белгиси" сертификати топширилди.

Кадрият

— Дастлаб ганчкорлик билан шуғулланганман, — дейди у. — Кейин менда бу хунардаги нақшлар хилосини заргарликда қўллаш фикри тугилди. Устозим Низоом Зариповдан хунар сирларини ўргандим. Халқ амалий санъатида билим, таза, савуру, иштиёқ кўп нарсага хил қилади. Хозиргача тақинчоқ ва талла буюмларнинг ўндан зиёда асл нусхаларини яратдим. Заргарликда унутилган босма, филигран ҳамда иссиқ эмал технологиясини қайта тиклашга муваффақ бўлдим. Шу каби меҳнатларим эвазига ЮНЕСКОнинг сертификатига муносиб кўрилдим.

Бухоро хунармандчиликини ривожлантириш маркази раҳбари ўринбосари Нодир Қўзиёвнинг таъкидлашича, жорий йилда бухоролик каштачи Санжар Назаров, зардўз Махфуза Салимова, пичоқсоз Исқандар Камоловга ўшаган жами 16 нафар хунарманд ана шундай сертификатни кўлга киритди.

Мушоҳада

Кишилик жамиятининг гўзал одатларидан бири бу муҳтож одамга кўмак бериш, уни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Қариндош-уруғ, қўни-қўшни, дўстлар ва ҳамкасблар ўртасида ушбу одат кенг тарқалган бўлиб, икки хил шаклда амалга оширилади. Аввало, бегараз моддий қўллаб-қувватлаш, қайтиб олмаслик шартли билан ҳаёда, тўёна, совға тарзидоги ёрдам бўлса, кейингиси қайтариш шартли билан пул ёки бошқа моддий неъматни вақтинча қарзга бериш туриш ҳисобланади...

Қарз бериш яхши, аммо уни қайтариб олиш ҳар доим ҳам осон кечмайди. Оқибатда турли низо ва муаммолар келиб чиқади, баъзида тузатиб бўлмас эҳдида ҳамда фожиалар рўй беради. Буни 2018 йилнинг биринчи ярмида пул ва бошқа қимматликларни қарз никоҳи остида олиб, қайтармагани сабабли 128 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари судда қўрилгани, улардан 108 нафари жиноий жавобгарликка тортилгани, 35 нафарига овозликдан маҳрум қилиш, қолганларига овозликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайин қилингани мисолида ҳам кўриш мумкин. Қолаверса, ана шу даврда фуқаролик ишлари бўйича судларга қарзни ундириш тўғрисида 5 минг 823 та даъво аризаси берилган бўлиб, шундан 4 минг 515 тасини қаноатлантириш, жавобгарлардан жами 67 миллиард сўмликдан зиёд қарзни даъвогарлар фойдасига ундириш ҳақида ҳал қилув қарорлари чиқарилган. Айни чоғда 503 даъво талаби асосизлиги сабабли рад этилган, 412 ҳолатда жавобгар тараф даъвоини тан олиб, пулни қайтарганили тўғрисида фуқаролик иши тугатилган.

Суд амалиёти таҳлилидан келиб чиқиб айтилган бўлса, кўп ҳолларда қарз беришчи ҳолисона қўмлаштириш, бундан бирон-бир фойдани қўлласдан одамгарчилик нуктаи назардан ёрдам қўлини чўзади. Гап шундаки, ўртадаги ишонч ва истиқола сабабли қарз беришчи ҳамда олувчи ўртасидаги бу муносабат қонуний расмийлаштирилмайдими. Оқибатда қарз олувчининг ноинсофлиги ёки тўлов имконияти бўлмагани боис уни қайтариш масаласида низо келиб чиқади. Ҳўш, қонунчилигимизда бу ҳолат қандай тартибга солинган? Фуқаролик кодексида қарз ҳамда кредит масалаларига доир нормалар аниқ белгиланган бўлиб, фуқаролар ўртасидаги қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн барваридан ортиқ бўлса, оқдий ёзма шаклда

мушоҳада қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Қариндош-уруғ, қўни-қўшни, дўстлар ва ҳамкасблар ўртасида ушбу одат кенг тарқалган бўлиб, икки хил шаклда амалга оширилади. Аввало, бегараз моддий қўллаб-қувватлаш, қайтиб олмаслик шартли билан ҳаёда, тўёна, совға тарзидоги ёрдам бўлса, кейингиси қайтариш шартли билан пул ёки бошқа моддий неъматни вақтинча қарзга бериш туриш ҳисобланади...

мазмуну ёки бажарилганлиги гувоҳлар кўрсатмалари билан тасдиқлаб бўлмаслиги аниқ белгиланган. Шу боис қарз олди-бердиси нотариал расмийлаштириш ёки оқдий ёзма битим (тильхат) орқали расмийлаштириш керак бўлади. Бунда, аввало, қарз олувчи қарз олди-бердиси расмийлаштиришда ташаббус кўрсатиши лозим. Аммо ҳаётда бунинг аксини кўраемиз. Кўпчунча ҳар иккала тараф ҳам қарз олди-бердиси нотариал расмийлаштиришга ҳаракат қилмайди. Эҳтимол, бу уларнинг нотариал идорага бориш, қарз шартномаси расмийлаштириш учун вақт сарфлагиси

зиға гаров шартномаси тузиш ўрнига, нотариал тасдиқланган тартибда олди-сотди шартномасини расмийлаштириш ҳолда (олувчига қарз қайтарилса, ўй ёки бошқа қимматбаҳо мулкни қайтаришини билдириб), қарз беради. Қарз вақтида қайтарилиб, у нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан, унинг ёки бошқа мулкни сотиб олгани ва ўртада ҳеч қандай қарз олди-бердиси бўлмаганини билдириб, қарздорни ўйдан қўчириш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилади. Бунда қарз олувчи қонуний, нотариал тасдиқланган ҳолда тузилиб, ўзи томонидан имзоланган олди-сотди шартномаси — қарз эвазига тузилганини ҳар доим ҳам асосли далил билан исботлай олмайдими. (Қарз олди-бердиси тўғрисидаги тилхат қарз беришчи бўлади, ўй ёки бошқа мулк қарз беришчи номига эмас, балки бошқа шахс номига расмийлаштирилган бўлади). Бундай вазиятларга дуч келмаслик учун, албатта, қарз шартномасини қонуний расмийлаштириш зарур. Агар қарз беришчи гаров талаб қилса, гаров шартномаси расмийлаштириш керак бўладики, бу турли хил низо-лар келиб чиқилишининг олдини олади. Урни келганда қарз олувчилар икки тоифа бўлишини ҳам айтиб ўтиш керак. Бир хиллар чиндан ҳам эҳтиёжи борлиги учун қарз олади. Агар улар пулни ўз вақтида қайтара олмади қолса, қарз суммаси, кечиктирилган муддат учун фоизлар ҳамда давлат божу улардан ундирилади. Яна баъзилар борки, уларнинг нияти бошданок бузуқ бўлади, яъни қарзни қайтариш ниятида эмас. Бундайлар фирибгар сифатида Жиноят кодексининг 168-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади. Умуман, фуқаролик муносабатларида қарз олиш ёки бериш кўп учрайди. Аммо бунинг ўзи талаблари борлигини, яъни буни қонунийлаштириш жуда муҳимлигини унутмаган маъқул. Ана шунда қўлингиз билан берган пулни оёнгиниз билан қўвириб ололмади овоз-сарсон бўлмасиз. Эчи олган қарзингизни деб қимматбаҳо мулкнингиздан айрилиб қолмайсиз.

Холмўмин ЁДОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари, Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳаёти раис.

БОЖХОНА хабарлари

Супурги остидаги аккумуляторлар

Қарши шаҳрида олиб борилган тезкор тадбир давомида фуқаро Х.Х. бошқарувидаги "ISUZU" русумли юк автотранспорт воситаси шубҳа остига олиниб, ҳолислар иштирокида кўздан кечирилди.

«Нексия» манзилга етолмади

Сирдарё вилоятининг "Ховос-обод" чегара божхона постида С.У. бошқарувидаги "Нексия" русумли машина тўхталиб, текширилганда, автомашинга хорижда ишлаб чиқарилган ва божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлма-

Яширишининг оқибати ёмон

Нукус — Бейнов йўналишида ҳаракатланаётган йўловчи поезидда республикамиздан чиқиб кетаётган фуқаро М.О.га тегишли сумка божхона назоратидан ўтказилганда, юклар орасида божхона ходимининг оғзаки сўровида ва йўловчи божхона декларациясида маълум қилинмаган 6100 АҚШ доллари яширилганлиги аниқланди. Аслида жисмоний шахсларга 5000 АҚШ долларига тенг ёки ундан ошмайдики микдорда нақд хорижий валютани йўловчи божхона декларациясида кўрсатган ҳолда эркин олиб чиқиб кетишлари рўхсат этилади. Ортиқчаги Марказий банкнинг ҳудудий бошқармалари томонидан берилмаган рухсатномалар талаб этилади. Тошкент вилояти божхона бошқармаси "С. Нажимов", "Бекобод-Авто" чегара божхона постларида ҳам шундай ҳолатлар содир бўлди. Хуқуқбузарлар энди тегишли тартибда жавоб берадилар.

Давлат божхона қўмитаси Аxbорот хизмати хабарлари асосида Ш. БЎТАЕВ тайёрлади.

ЭЪЛОН

«Ўзтрансгаз» АЖнинг «ФАРФОНАГАЗ» филиали
Аҳоли хонадонларидаги газ ускуналарига хизмат кўрсатиш ҳамда йиллик техник кўриқдан ўтказиш учун қўйидаги бланкларни тайёрлаш бўйича танлов эълон қилади:
• кунлик далолатнома;
• реестр ва далолатнома бланклари;
• газ ҳисоблагич ускунасини ечиш учун далолатнома;
• бир мартали муҳр далолатномаси;
• йиллик техник кўриқдан ўтказиш учун квитанция.
Мазкур хизматларни кўрсатиш билан шуғулланувчи махсус лицензия ва гувоҳномага эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлардан тижорат тақлифлари қабул қилинади.
Мурожаат учун манзил: Фаргона шаҳри, Бурхониддин Маргиний кўчаси, 76-уй.
Телефон: 73 229-04-36.
«Фарғонагаз» филиали маъмурияти.

Халқ сўзи Народное слово
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 72 393 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71 233-52-55; Котибият 71 233-10-28; Эълонлар 71 232-11-15.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзилари: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ҲА яқини — 00.30 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6